2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 242 (1031), 2023 йил 21 ноябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## БАНК ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни банк тизимида трансформация ва хусусийлаштириш жараёнлари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.**

Бу соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги уч йилда банклар капитали 1,8 бараварга, йиллик кредит ажратиш ҳажми 2 бараварга кўпайди. 4 та банк илк бор евробонд чиқариб, халқаро капитал бозорларидан 1 миллиард доллар ресурс олиб келди. “Ипотека-банк”ка стратегик хорижий инвестор жалб қилинди. 13 та янги хусусий банк ташкил этилди, Венгрия, Қозоғистон ва Грузиянинг нуфузли банклари юртимизда фаолият бошлади. Онлайн банк хизматлари ҳажми 2,7 бароборга ошди.

Шу билан бирга, банк секторида рақобат кучаймоқда, банк хизматларига аҳоли ва тадбиркорлар томонидан талаб ошмоқда. Бу соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш, келгуси йиллар учун устувор вазифаларни белгилаб олишни тақозо этаётир.

Хусусан, давлат улушига эга банкларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, уларнинг қимматли қоғозларини IPOга чиқариш, соҳага тажрибали хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

Халқаро рейтинг компаниялари билан ҳамкорликни кучайтириб, банкларнинг рейтингини ошириш бўйича ўрта муддатли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда банк раҳбарлари трансформация ва хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш, ходимларни ўқитиш, соҳада илғор IT ютуқларни жорий қилиш бўйича режаларини айтди.

Ҳар бир банк ўзи сармоя киритган лойиҳаларни чуқур таҳлил қилиб, ишга тушишини кузатиб бориши, ҳудудлар ва соҳаларда самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириши зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА**

## ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**20 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида ичимлик суви, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси кўриб чиқилди.**

Сўнгги йилларда халқаро молия институтлари кўмагида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг сони ҳам, кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, охирги етти йилда шундай институтлар маблағлари ҳисобидан 16 миллиард доллар ўзлаштирилди. 103 та лойиҳа ишга туширилди.

Буларнинг натижасида 5 миллионга яқин аҳолининг кундалик ҳаёти яхшиланишига таъсир қилган 9 мингта ижтимоий ҳамда инфратузилма иншоотлари қурилди ва таъмирланди. 38 та янги йирик саноат қуввати ишга туширилиб, 6,5 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, хорижий инвестициялар ҳисобига, соҳаларга янги технологиялар, замонавий ёндашувлар ҳам кириб келяпти.

Лекин ҳамма тармоқда ҳам натижадорлик бирдек эмас. Масалан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида жорий йилда 238 миллион доллар халқаро молия институтлари маблағлари ўзлаштирилиши кутилмоқда. Бу мўлжалдан анча кам.

Умуман, сўнгги йилларда соҳага 2,4 миллиард доллар жалб қилиниб, шундан 1,3 миллиард доллари ўзлаштирилган. Лекин кечиккан лойиҳалар ҳам бор. Мисол учун, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида агрологистика марказлари ташкил этиш кечикмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида 877 миллион долларлик 11 та лойиҳа мавжуд. Уларнинг аксарияти амалга оширилмоқда. Лекин нефрология ва урология муассасаларини жиҳозлаш, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида катталар учун кўп тармоқли тиббиёт маркази қуриш, миллий референс лабораторияси ташкил қилиш лойиҳалари бўйича инвестиция ўзлаштириш бошланмаган.

“Ўзсувтаъминот” тармоғида қиймати 2,1 миллиард долларлик 22 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 8 та лойиҳанинг ўз вақтида ишга тушмаслиги эҳтимоли бор.

Бу кўп ҳолларда лойиҳа гуруҳлари фаолияти билан боғлиқ экани кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳалар бажарилишида вазирларнинг масъулиятини ошириш, ҳар бирини халқаро экспертлар иштирокида муҳокама қилиб бориш ҳамда маблағларни самарали ишлатиш бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддилар йил якунигача ва 2024 йилда ишларни жадаллаштириб, кечикишларни бартараф этиш, лойиҳаларни сифатли бажариб, натижасини таъминлаш бўйича ахборот берди.

**ЎзА**

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИЖРО ИНТИЗОМИ

### соҳани жадал ривожлантириш кафолати

**Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир соҳада юксак самарадорликка эришиш борасида юритилаётган давлат сиёсатининг талаби шуки, лавозимидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар қоғоз билан эмас, аксинча, муаммо билан бевосита, юзма-юз ишлаши лозим. Ҳар бир ҳужжатни тайёрлашда жойига чиққан ҳолда ўрганиши, аҳоли ва истеъмолчиларнинг фикрларини тинглаши, мурожаатларни эътиборсиз қолдирмаслиги ҳамда мавжуд ресурсларни таҳлил қилиши зарур ва шарт.**



Айниқса, ижро интизомини мустаҳкамлашда тизимдаги ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш, қатъий интизом ўрнатиш, уларда касбий ғурур, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳалоллик ҳиссини уйғотиш ниҳоятда муҳим.

Янги Ўзбекистоннинг қисқа даврда босиб ўтган йўлида **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”** тамойил ҳаётий тасдиғини топиб, амалий натижалар бера бошлади. Халқ билан очиқ мулоқот, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо янги, кучли ижтимоий ҳимоя ва миллий қадриятларга йўғрилган институти қарор топди.

Албатта, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишни ўзининг эзгу амали ва касбий бурчи деб билган сув хўжалиги ходимлари учун ҳам ижро интизоми иш самарадорлигини таъминловчи энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидан биридир.

Давоми 2-бетда

ТАШРИФДАН ТАШРИФГАЧА

## ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЯНГИ ДОВОНЛАРГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

**Давлатимиз раҳбарининг 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи самарали ва амалий воқеликка бой бўлди. Хусусан, “Тўполанг” сув манбаидан экологик тоза ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасининг биринчи босқичи ишга туширилиши жанубий воҳа аҳлининг яна бир асрий орзусини рўёбга чиқарди. Ушбу босқичда Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларига обиҳаёт кириб борган бўлса, келгуси йил охирига қадар лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши натижасида яна 7 туман ва Термиз шаҳрида яшовчи қарийб икки миллион аҳоли ушбу марказлашган ичимлик сувдан баҳраманд бўлади.**



Ташриф давомида Президент Бойсундаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ-кимё мажмуаси қурилиши, “Тўполанг” ГЭСида олиб борилаётган модернизация ишларини кўздан кечирди. “Зарчоб-3” ГЭС қурилишига старт берилди. Шунингдек, вилоятдаги бир неча ишлаб чиқариш лойиҳалари билан яқиндан танишган давлатимиз раҳбари ташриф якунида вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир устувор вазифаларни белгилаб берди.

Унда қайд этилганидек, келгуси йили вилоятга 1,5 миллиард долларлик инвестиция киритилади. Пировардида, саноатда 12 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Шунингдек, экспорт кўрсаткичи 500 миллион долларга етказилади. Импорт эса 100 миллион долларга қисқаради. Бундан ташқари, 500 минг хорижий сайёҳга хизмат кўрсатиш учун шароит яратилади ҳамда 400 минг аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурий вазифалар рўёбга чиқарилади. Бу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар эса Сурхон аҳлини янада ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, янги-янги марраларни забт этишга ундамоқда. Турли соҳа вакилларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топмоқда.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



## ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

### таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошланади

**Технология, демография, беқарорлик ва глобал иқлим ўзгаришлари шароитида инсон капитали тақчиллиги хавфли даражада ошиб бормоқда. Можаро ва пандемиялар инсон капиталига ҳалокатли таъсир кўрсатиши, одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши, тирикчилик воситаларини йўқ қилиши, овқатланишнинг ёмонлашиши, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларидаги беқарорликка сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда инсон капитали жамиятнинг энг қимматли ресурси бўлиб, табиий салоҳият ёки тўпланган бойликдан кўра, муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.**

Инсон капитали, фан, таълим ва бизнеснинг ўзаро таъсири, бу таъсирнинг иқтисодиёт ва жамият ривожига самараси билан боғлиқ масалалар кейинги йилларда жаҳон ва миллий ҳамжамият сиёсий кун тартибида устувор аҳамиятга эга бўлиб турибди. Бу жараён бевосита таълим тизими орқали таъминланади. Шу боис, жаҳон амалиётида ўзини оқлаган, самарали натижани берган ва бериб келаётган тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда ушбу тизимни ислоҳ қилишнинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқиш муҳим.

Давоми 5-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

## ИШОНЧ, РАҒБАТ ВА ТЕНГЛИК

### ишбилармон аёллар сафини кенгайтиради

**Тадбиркорлик қонига сингган халқмиз, ҳар ҳолда ота-боболаримиз орасида савдогарлар кўп бўлганини эшитганмиз. Ҳозир эса тадбиркорлик ниҳоятда катта йўналишга айланиб, барча соҳаларга кириб борди. Энди қурилишдан тортиб, аграр соҳада иш юритаётганларгача тадбиркорга айланмоқда.**

Юртимизда охирги йилларда ҳақиқий тадбиркорлик муҳити шаклланиб, кичик ва ўрта бизнес ҳатто қўшимча даромад манбаига айланганига гувоҳ бўляпмиз. Ҳозир исталган касб эгаси мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, қўшимча равишда ишбилармонликка ҳам қўл уриши одатий ҳол. Бу эса ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларни камбағалликдан чиқаришда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Яъни битта кичик ёки ўрта бизнес вакили пайдо бўлиши ҳисобига бир неча ўнлаб киши ишли бўляпти.

Шу боис, юртимизда соҳа вакилларини доимий қўллаб-қувватлашнинг аниқ ва самарали механизми яратилди. Бу тадбиркорликка бепул ўқитишдан тортиб, ишни бошлаш, кредит олиш, имтиёзлар бериш ва кўплаб ёрдамларни ўз ичига олади. Президентимизнинг жорий йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам 150 мингта кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш, ўрта тадбиркорлик субъектлари сонини эса 2,5 баробар ошириш белгиланган. Бунинг учун янги имконият, қўшимча имтиёзлар берилиб, аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес ташаббусларини молиялаштириш ва лойиҳаларини амалга ошишига кўмаклашишга қаратилган яхлит тизимни жорий этиш бўйича қатор вазифалар бор. Талабгорларни тадбиркорликка ўқитиш масалалари ҳам уларнинг асосийларидан бири.

Давоми 4-бетда

ЯШИЛ МАКОН

## ЎН ЙИЛ НАРИНИ ЎЙЛАСАНГ...

**Кўчат экиб, боғ яратиш халқимизга хос миллий қадриятлардан. Бугун эса бу анъана миллий ҳаракатга айланди ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида ҳудудларни обод этиш, бўш майдонлар, кўча ва хиёбонларга мевали ва манзарали кўчат ўтқазишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон бўйлаб йилига камида 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш кўзда тутилган.**



Ушбу лойиҳа бир йиллик тадбир эмас, балки ҳар йили давом этадиган хайрли жараён. Навоий вилоятида ҳам 2022 йил давомида 50 минг гектардан ортиқ ерда яшил майдон ташкил этилиб, мевали ва манзарали ниҳоллар экилди. Аҳоли яшаш манзиллари, корхона ва ташкилотлар атрофи, шунингдек, қаровсиз майдонлар яшил ҳудудларга айлантирилди. Жорий йил баҳор мавсумида вилоятда 8 миллион 924 минг туп мевали ва манзарали кўчат ўтқазилди.

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИЖРО ИНТИЗОМИ

## соҳани жадал ривожлантириш кафолати



**Шавкат ҲАМРОЕВ,
сув хўжалиги вазири**

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, сув хўжалиги соҳасидаги кенг қамровли ислоҳотларнинг натижадорлиги, биринчи навбатда, вазирлик тизимининг барча бўғинларида ижро интизоми юқори талаблар асосида ташкил этилишига бевосита боғлиқ.

2023 йил январь-октябрь ойларида Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратига жами 2 минг 691 та ҳужжат, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан 116 та, Президент Администрациясидан 122 та, Вазирлар Маҳкамасидан 960 та, бошқа вазирлик ва идоралардан 1 минг 396 та ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларидан 197 та хат ва ҳужжат, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан 863 та ариза ва мурожаат келиб тушган. Шундан 2 минг 600 таси (96,7 фоиз) ўз муддатида назоратдан чиқарилган.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича жами 48 та буйруқ ва 5 та ҳайъат қарори қабул қилинган, 30 та назорат режаси, йўл хариталари ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

2023 йилнинг 10 ойида “Edo.ijro.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига киритилган 192 та ҳужжат тўлиқ назоратга олинган, 191 таси ўз муддатида назоратдан чиқарилган.

Ижро интизомига масъулиятсизлик билан қарагани, топшириқларни талаб даражасида бажармагани учун 20 нафар раҳбар ходим, шу жумладан, вазирлик марказий аппаратининг 3 раҳбар ходимига, тизим ташкилотлари раҳбарларидан 9 нафарига ҳайфсан эълон қилинган, вазирлик марказий аппаратининг 1 ходими ва тизим ташкилотларининг 2 раҳбар ходимига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорида жарима қўлланган, 5 ходим эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

> **Ижро интизоми бўйича муҳим йўналиш жисмоний ва юридик шахслардан тушаётган мурожаатлар билан ишлашдир. Ўтган даврда ариза ва мурожаатларнинг 816 таси ёки 94,5 фоизи белгиланган муддатларда кўриб чиқилган ва натижаси мурожаат муаллифларига маълум қилинган. 47 тасининг ижроси муддат талаб қилгани боис, уларни ҳал этиш бўйича чоралар ишлаб чиқилган.**

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган сайёр қабуллар режасига мувофиқ, вазирлик раҳбарияти томонидан жорий йил январь-октябрь ойларида элликка яқин жисмоний ва юридик шахс ҳамда уларнинг қонуний вакиллари қабул қилиниб, мурожаатлари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.



Жорий йилнинг **ноябрь-декабрь** ойларида **“Edo.ijro.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига киритилган жами 568 та топшириқ мавжуд. Улар ижросини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир топшириқ бўйича масъул ходимлар бириктирилган, бажариш механизмлари белгилаб берилган.

Вазирлик тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар тўлиқ ҳисобга олинмоқда, уларнинг рўйхати мунтазам равишда шакллантирилиб, ижрочилар, муддатлар ва бажариш механизмлари аниқ кўрсатилган топшириқлар тайёрланиши ҳамда масъулларга етказилиши тизимли равишда назоратга олинган.

Ҳар ҳафта якуни бўйича ижро муддати яқинлашаётган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, тегишлилигига қараб, бошқарма ёки бўлим раҳбарларига вазифаларнинг бажарилиш ҳолати бўйича огоҳлантириш берилмоқда. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилган ҳамда чуқур таҳлиллар асосида мониторинг олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ижро интизомини янада самарали ташкил этиш, ходимларнинг ижро йўналишидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда янги талқиндаги “Edo.ijro.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий қилиш масалалари бўйича ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар кенг қулоч ёймоқда. Ушбу лойиҳа юртимизни том маънода яшилликка бурковчи халқчил ҳаракатга айланди. Тадбирларда республикамиз сув хўжалиги ходимлари ҳам фаол иштирок этяпти.

Вазирлар Маҳкамаси топшириғи билан Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Ғижол қишлоғидаги тоғолди ҳудуддан Сув хўжалиги вазирлиги учун 42 гектар ер ажратилди. Сувчилар бу ерда 21,5 минг туп бодом кўчати экиб, “Сувчилар боғи” бунёд этишни бошлаб юборди. Шу билан бирга, қатор ораларига тўқсонбости экинлар, боғ атрофига терак кўчатлари экилади. Ташкил этилаётган ҳашарларда вазирлик марказий аппарати, тизимдаги республика ташкилотлари, вилоятлардаги сув хўжалиги ташкилотларидан, асосан, ёшлардан иборат ходимлар қатнашмоқда.

Топшириқда Сув хўжалиги вазирлиги ирригация ва мелиорация объектлари ҳудудларида кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда сув хўжалиги объектларининг қирғоқлари ва қирғоқ бўйи ҳудудларида кўчат экишга масъул этиб белгиланган. Бу борада масъулиятни чуқур ҳис қилган сувчилар 10 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчати, 5 миллион туп қаламча ва бута кўчатини экиш ташаббуси билан чиқди. Бугунга қадар республика бўйича сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари томонидан экилган жами кўчатлар сони 4,5 миллион тупдан ошиб кетди.

Барча ҳудудлардаги тизим ташкилотларида ҳар куни кўчат экиш ишлари жадал давом эттириляпти.

Жорий йил 1-2 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг 85-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг сув хўжалигига масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари қатнашди.

Самарали ўтган музокаралардан сўнг комиссия аъзолари Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари ва ёш тадқиқотчилар, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети талабалари билан мулоқот қилди.

> **Меҳмонлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига уйғун тарзда кўчат экиш тадбирида ҳам қатнашиб, ёшларга ибрат бўлди. Ташаббускор ёшлар экилган кўчатларга “дўстлик дарахтлари”, деб ном берди. Бу мисолни келтиришимдан мақсад — қўшни давлатлардан келган меҳмонлар ҳам юртимизни яшилликка бурковчи бу ишларга ҳавас билан қараб, юқори баҳолади.**

Ноябрь ойи бошида Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва мелиоратив экспедициялар бошлиқлари учун беш кунлик малака ошириш ўқув курси бўлиб ўтди. Худди шу тартибда келгуси йил март ойигача тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари учун ўқув семинарлар ташкил этилади, уларнинг ижро йўналишидаги билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ҳам машғулотлар ўтказилади.

Мақсадимиз янги Ўзбекистондаги янгиланишлар жараёнида сувчиларимизнинг дунёқарашини ўзгартириш, билим ва масъулиятини ошириш, зиммамиздаги вазифаларни сифатли бажариб, халқимизга ҳалол, виждонан хизмат қилишдир.

## ЯШИЛ МАКОН

# ЎН ЙИЛ НАРИНИ ЎЙЛАСАНГ...

Бошланиши 1-бетда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумига старт берилиши, айтиш мумкинки, кўпмиллатли халқимизни эзгу ташаббусга чорлади. Навоий вилоятида ҳам кузги мавсумда 6 миллионга яқин кўчат экиш режалаштирилган ва айни вақтда бу жараён ҳудудларда қизғин давом этмоқда.

Навбаҳор тумани аҳолиси ҳам ўзлари истиқомат қилаётган кўчаю маҳаллалар, фойдаланилмаётган ерларни обод этишга киришган. Туманнинг Пахтакор маҳалласи ҳудудида жойлашган 4 гектар ер майдонида боғ яратилиб, унга “Навоий вилояти ҳокимлиги боғи” деб ном берилди. Ушбу боғни барпо қилиш жараёнида вилоят ҳокими Нормат Турсунов хамда ҳокимлик ходимлари, ҳарбий қисм хизматчилари, хотин-қизлар, ёшлар, нуронийлар, корхона ва ташкилот масъуллари томонидан 5 минг туп манзарали ва минг туп мевали дарахт кўчатлари экилди.

— Халқимиз кўчат экишни савобли, эзгу иш санаб келади. Боғ яратган инсоннинг иши ҳам, номи ҳам улуғланган. Ёшлигимизда ана шундай инсонлар яратган боғларда ўйнаб, меваларидан баҳраманд бўлиб улғайганмиз. Бугунги кунда ҳам бу эзгу анъана давом эттирилиб, умуммиллий лойиҳага айлангани қувонарли. Бу жараён аҳоли учун ҳам, экологик барқарорликни таъминлашда ҳам манфаатли тадбирдир, — дейди меҳнат фахрийси Ориф Наимов.

Табиатда яшил ҳудудлар кенгайса, “яшил қалқон”лар шакллантирилса, экологик муаммолар бартараф қилиниб, барқарорлик таъминланади. Жараёнда фаол иштирок этаётган нуронийларни ёшлар учун ибрат мактаби, дейиш мумкин. Ушбу хайрли ташаббус яшил ҳудудларнинг кўпайиши, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш баробарида ёш авлод қалбида она табиатни асраш билан боғлиқ қадриятларнинг давом этишига хизмат қилади.



Туманнинг Армижон маҳалласида ҳам яшил майдонларни кенгайтириш борасида салмоқли ишлар олиб борилди. Нуроний отахонлар кўчат экиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Уларнинг тавсияси асосида экилаётган кўчатлар туманнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, сувсизлик ва касалликларга чидамли мос турлари танлаб олинди.

Айни пайтда Навбаҳор туманида “Яшил макон” лойиҳасининг кузги мавсумида 650 минг туп кўчат экиш режалаштирилган. Туман ҳокимлиги захирасидаги 7 гектар ташландиқ ер майдони обод қилиниб, кўпнинг кўмаги билан 35 минг тут ва қайрағоч кўчатлари экилди.

— Ушбу хайрли тадбирда туманимиз аҳолиси фаол иштирок этаётгани кишини қувонтиради. Кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда турли ташкилотлар ходимлари ҳам яшил майдонларни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Маҳалламизда фойдаланилмай турган ер майдондаларида боғ яратяпмиз, ҳудудимиз янада обод бўлмоқда, — дейди Армижон маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Жамшид Собиров.




“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ниҳол захирасини яратиш, хусусан, кўчатхоналар ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда 2023 йил куз мавсумида экиладиган 650 минг туп кўчатнинг 200 мингтаси кўчатчилик йўналишидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, 250 мингтаси аҳоли томорқаси ва бошқа кўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан етказиб берилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, куз фаслида совуқ ҳавога чидамли бўлган игнабаргли дарахтлар, шунингдек, тол, қайин, ёнғоқ, каталпа ва каштан кўчатларини бемалол экиш мумкин. Бу турдаги дарахтларнинг илдизи баҳорга қадар заминга мустаҳкам ўрнашади. Деҳқон таъбири билан айтганда, кузда ниҳол экиш баҳордагидан кўра қулайроқ ва бу фаслда экиш даври узоқроқ давом этади. Кузда ўтқазилган кўчатларнинг илдизида қиш давомида тупроққа мослашувчанлик пайдо бўлади. Бу эса баҳорда яхши тутиб, тезроқ ўсишига замин яратади.

Шунингдек, бу муҳим жараённинг бошқа бир жиҳатига ҳам эътибор қаратиш зарур. Мақсад фақат сон изидан қувиш эмас, балки янги экилган кўчатларнинг ҳар бирини талафотсиз кўкартириб олиш, ўсиб дарахт бўлгунича доимий назорат ва парвариш қилиш борасида ҳам аниқ чоралар белгиланган.

— Кўчатларни экиш жараёнида, аввало, тупроқ таркиби, иқлим шароити ва сув таъминоти ҳисобга олиниши лозим. Шу талаблардан келиб чиқиб, экиладиган дарахт турлари танланмоқда. Вилоятимиз иқлимига, асосан, акация, қайрағоч, чўл ҳудудига эса саксовул кўпроқ мос келади. Экилган кўчатларнинг назорати ҳам йўлга қўйиляпти. Ҳар бир кўчат “Яшил макон” платформасига манзили бўйича киритиб борилади. Йўл четларига экилган дарахтларни махсус транспорт ёрдамида суғориш ишлари йўлга қўйилган. Ҳар бир ҳудудда яратилаётган яшил ҳудудларга масъул ташкилотлар ҳам белгиланган, — дейди Навоий вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бўлим бошлиғи Фурқат Қодиров.

Нурота туманида ҳам йўл ёқалари, кластер ва фермер хўжаликлари экин ерлари ва дала четларига 529 минг туп манзарали, мевали дарахт ҳамда бута кўчатлари ва қаламчаларини экиш режалаштирилган. Бу жараёнда тумандаги ҳар бир маҳаллада “Маҳалла боғлари”ни яратиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, хонадон ва кўчаларни обод қилиш ишлари давом этмоқда. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан яратилаётган яшил боғни барпо қилишга меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, фаол ёшлар, хотин-қизлар муносиб ҳисса қўшмоқда.

Халқимизда “Бир йилнинг ғамини есанг дон, ўн йил нарини ўйласанг дарахт эк” деган нақл бор. Бугун яратилаётган бу яшил боғлар келажак авлод учун, она табиат мусаффолиги учун, инсонлар саломатлиги, турмуши фаровонлиги учун кўп йиллар давомида хизмат қилади.

Қолаверса, инсон табиатнинг гўзаллигини нафақат асраб-авайлаши, балки унинг янада гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, келажак авлодга табиий бойликларини бус-бутун етказиш, экологик муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш олдимизда турган муҳим вазифалардан. Айни дамда ҳудудларда ташкил этилаётган бу каби тадбирлар ҳам ана шундай мақсадларга ҳамоҳангдир.

“Янги Ўзбекистон — яшил маконда бирга яшайлик!” деган олижаноб ғояни қўллаб-қувватлаш, бу умуммиллий ҳаракатнинг иштирокчиси бўлиш ҳар биримиз, аввало, ўзимиз, қолаверса, яқинларимиз, келажак авлод олдидаги масъулият. Бир сўз билан айтганда, бугун экилаётган ҳар бир ниҳол эртага катта дарахтга айланади, биз нафас олаётган ҳавони тозалайди, экологик барқарорликни мустаҳкамлайди.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## БИЗ ВА ДУНЁ




# ЎЗБЕКИСТОН СКАНДИНАВИЯ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ОЗИҚ-ОВҚАТ ЯРМАРКАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

## МАМЛАКАТИМИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕВРОПАНИНГ 20 ГА ЯҚИН ДАВЛАТИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ

**Ўтган ҳафтада Швециянинг Мальмё шаҳрида бўлиб ўтган Скандинавиядаги энг йирик органик маҳсулотлар ярмаркаси — “Nordic Organic Food Fair” кўргазмасида Ўзбекистоннинг органик маҳсулотлари намойиш этилди.**



Элчихона томонидан ташкил қилинган миллий бўлмада Ўзбекистоннинг “Global Export Company” компанияси мамлакатимиз заминида етиштирилган органик қуритилган мевалар ҳамда дуккакли маҳсулотларни намойиш қилди.

“Nordic Organic Food Fair” ҳар йили ўтказиб келинадиган ярмарка бўлиб, органик сертификатига эга ранг-баранг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар унинг пештахталаридан жой олади.

Ушбу халқаро тадбирда “Global Export Company” МЧЖ Европанинг йигирмага яқин мамлакати, шу жумладан, Швеция, Норвегия ва Дания компаниялари билан ўзбек маҳсулотлари экспорти бўйича дастлабки келишувларга эришди.

Шунингдек, мамлакатимиз элчихонаси ва “Nordic Organic Food Fair” ташкилотчилари ўртасида ушбу кўргазманинг 2024 йил 9-10 октябрь кунлари Стокгольмда ўтказиладиган навбатдаги тадбирида ҳам Ўзбекистон вакилларининг иштирок этиши юзасидан фикр алмашилди.

**“Дунё” АА**
*Стокгольм*

ТАШРИФДАН ТАШРИФГАЧА

# ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЯНГИ ДОВОНЛАРГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

## Ватан ва халқ манфаати уйғунлашганда



**Райҳон РАҲИМОВА, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси директори, “Шуҳрат” медали соҳибаси:**

— Сурхон воҳасини сўлим Сангардаксиз, Амударё соҳилларию Тўпаланг дарёсисиз тасаввур қилиш қийин. 2021 йилда Термизда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз “Тўпаланг” сув омбори улкан ва тоза сув манбаи эканини таъкидлаб, Сурхондарё вилоятида ичимлик сув билан боғлиқ муаммога алоҳида тўхталган ва унинг ечими борасида мутасаддилар олдига муҳим вазифаларни қўйган эди. Ўшанда воҳада марказлашган тармоқлар орқали ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 60 фоиз атрофида бўлган.

Ҳақиқатан, “Тўпаланг” сув омборига сув тоғлардаги қор ва муз эришидан йиғилиши, энг муҳими, бу манбанинг тоза ва фойдали минералларга бойлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Сурхондарё аҳолиси учун муҳим ижтимоий лойиҳа амалга ошириla бошлади.

Лойиҳа доирасида сув омборидан то Термиз шаҳригача 380 километр масофага металл қувурлар тортилиши, сув тозалаш, босимни камайтириш ва сув йиғиш иншоотлари қурилиши режалаштирилди. Унинг 159 километри магистрал, 221 километри шаҳар ва туманларни боғловчи ички тармоқлар бўлиб, ташрифдан ташрифга қадар 147 километр қувур тортиб бўлинди. Қолаверса, сув тозалаш, босимни



камайтириш ва 5 та сув йиғиш иншооти ҳам барпо этилди.

Ташрифнинг илк кунида Сариосиё тумани Боғистон маҳалласида ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи ишга туширилиши том маънода қувончли воқеа бўлди. Пировардида, Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманлари аҳоли хонадонларига зилол сув кириб борди. Яна бир муҳим жиҳати, сув ўз оқими билан тушиши сабабли 8,6 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилиниши аҳоли учун янада манфаатли бўлди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида вилоятнинг марказлашган ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилиши ҳам маълум қилинди. Ушбу хайрли лойиҳа 2024 йилда ниҳоясига етади.

Назаримда, бугун янги Ўзбекистоннинг тараққиётини кўзлаган эзгу мақсадлар боғи мевага кирди. Бу боғларга ниҳол ўтқазиш, уларни совуқ шамоллардан асраб-авайлаш осон кечмаётгани аниқ. Албатта, бундай ўзгариш ва янгиланишлар ўз-ўзидан бўлмаётганига барчамиз гувоҳмиз.

## Ўзгаришлар одамлар турмушида ўз аксини топмоқда

**Авазмурод АВАЗОВ, Сариосиё туманидаги “Себзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида маҳалламиз ҳаёти, фуқароларнинг турмуш тарзи, аҳоли саломатлигини таъминлашга доир ишлар билан яқиндан танишди. Гапнинг сирасини айтганда, марказдан анча узоқда жойлашган қишлоғимизга шахсан Президент келишини сира кутмагандик. Бу бизни жуда



қувонтирди, руҳлантирди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, “Янги Ўзбекистон” ғояси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси энг олис ҳудудларда ҳам бўй кўрсатаётгани бу, аввало, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар маҳсулидир. Бугун том маънода халқимизнинг ҳаётга, воқеликларга бўлган муносабати ўзгарган. Кишиларда яратувчанлик иштиёқи, ишбилармонлик руҳи, бахтли яшашга бўлган интилиши кучайган. Буни биргина маҳалламиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, қишлоқ одамлари турмушидаги юксалишлар мисолида кўриш мумкин.

Маҳалламиз ҳудудида 7 минг 600 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар асосан, боғдорчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Рости, кейинги йилларда ерга бўлган муносабат ўзгарди, деҳқончилик маданияти ошди. Томорқадан унумли фойдаланиш, омилкорлик асосида ишлаш эвазига йилига 3 маротаба ҳосил етиштираётган қишлоғимиз одамларининг турмушига файз ва барака киргани ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбари “Баракатулло Давр Барака” фермер хўжалиги боғида бўлиб, полиз экинлари ривожини кўздан кечирди. Ҳадемай қиш фасли эшик қоқишига қарамай, ҳамон экиндан бўшамаган майдонлар, яшнаб турган далаларни кўриб, одамнинг баҳри-дили очилади. Жумладан, фермер хўжалигидаги 6 гектарлик олма ва 1,3 гектарлик хурмо дарахтлари қатор ораларида эртаги полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилгани хўжалик аъзолари моддий даромадини янада оширди. Албатта, мўл



қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш масаланинг бир жиҳати бўлса, уни сотиш, экспортга йўналтириш ҳам жуда муҳим саналади. Президентимиз айни масалага эътибор қаратиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илмий ёндашув зарурлигини таъкидлади. Жойларда in-vitro лабораторияларини ташкил этиш, уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш бўйича тавсиялар берди.

Маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли учун қулай турмуш шароитларини яратишга бўлган эътибор туфайли йўлларимиз таъмирланди. Аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилиб, янги трансформаторлар ўрнатилди, симёғочлар янгисига алмаштирилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаси куз-қиш мавсумига шай ҳолга келтирилиши баробарида, тиббиёт пункти фаолияти йўлга қўйилди. Ҳолбуки, авваллари қишлоғимиз одамлари оддий тиббий хизматдан фойдаланиш учун 25-30 чақирим узоқликда жойлашган шифохонага қатнашга мажбур эди. Эндиликда умумий амалиёт шифокори, доя ва ҳамширалар туну кун шу ернинг ўзида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга шай.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, аввало, инсон қадрини улуғлашга, унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, буларнинг бари аҳоли фаравонлигини оширишга хизмат қилмоқда.



## Мингдан ортиқ иш ўрни яратилади



**Муҳаммади ҚОДИРОВ, Бойсун туман ҳокими ўринбосари:**

— 2019 йил апрель ойида Президентимиз ташаббуси билан Кофрун қишлоғидаги газ конини ўзлаштиришга доир дастлабки амалий қадамлар ташланди. Ўша йилнинг декабрида “Surhan Gas Chemical Operating Company” хорижий корхонаси томонидан завод қуришга киришилди. Қиймати 2,9 миллиард долларга тенг бўлган ушбу лойиҳага биноан бу ерда йилига 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қуввати яратилади. Заводни қуриш ва 20 та қудуқда бурғилаш ишларини амалга ошириш учун ҳозирга қадар 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Лойиҳанинг биринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилиши, 2025 йилда эса тўла қувват билан маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Газ-кимё мажмуаси ишга тушиши билан юқори даромадли мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Шунингдек, турдош соҳаларни ривожлантириш эвазига бу рақам икки баробар ошиши режалаштирилмоқда. Хусусан, яна бир истиқболли кон — ёнувчан сланец конини ўзлаштириш лойиҳаси шулар жумласидан.

Бир сўз билан айтганда, асрлар бўйи иқтисодий имконияти чекланган ҳудудда йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида Бойсун тумани аҳолиси ҳаётида бугун янги давр бошланди, десак асло муболаға бўлмайди.

> **ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТАШАББУС ВА ЛОЙИҲАЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИШ ИШЛАРИ ЎЗ ИШИ, БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАМОҚЧИ БЎЛГАН МЕН КАБИ ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРМОҚДА.**

## Ташаббус ва кўмак фаолиятимиз истиқболини таъминлаяпти



**Озодбек АБДУХАЛИЛОВ, тадбиркор:**

— Тил билган, дунё кўрган кишилар янгиликка, ўзгаришларга иштиёқманд бўлади. Пекиндаги олий таълим муассасасида 3 йил таҳсил олиш асносида тадбиркорлик кўникмаларимни ошириш, бизнес фаолиятимни йўлга қўйиш иштиёқи туғилди. Юртимизга қайтгач, бу борада амалий ишларга киришдим. Термиз шаҳрининг Тинчлик маҳалласи ҳудудида янгидан ташкил этилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида ўз лойиҳамни амалга оширишга киришдим. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббус ва лойиҳаларини рағбатлантириш, моддий ва маънавий кўмак бериш ишлари ўз иши, бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлган мен каби ёшларга кенг йўл очиб бермоқда.

Сурхондарёда кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилади. Уларни қайта ишлаш орқали ички бозор эҳтиёжини таъминлаш, харидоргир маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилиш орқали катта иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. Айни шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, мевани қайта ишлаш лойиҳасини амалиётга татбиқ этдик. 250 минг долларлик ушбу лойиҳамиз имтиёзли кредит асосида молиялаштирилди. Корхонамиз ўз фаолиятини бошлаши билан 25 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда энг замонавий технологиялар асосида анор ва бошқа мевалардан табиий шарбат тайёрлаб, халққа етказиб беряпмиз.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида фаолиятимиз билан ҳам яқиндан танишиб, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлди. Бу учрашув ҳар биримизга мотивация бериши билан бирга,амалий интилишларимизни янада кучайтирди. Бизни янги ғоя ва ташаббусларга ундади. Шундан келиб чиққан ҳолда, келгусида ишлаб чиқариш тармоқларимизни янада кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ниятидамиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Илҳом РАҲМАТОВ ёзиб олди.**

---

МУНОСАБАТ

**Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар бой тарихимизни тиклаш, асраб-авайлаш, маънавий ва маданий меросни ўрганиш, алломалар қолдирган бебаҳо ижод намуналарини асл қўлёзма манбалар асосида тадқиқ этиш, жамоатчиликка етказиш имконини бермоқда. Айниқса, бугун юртимизда фаолият юритаётган халқаро даражадаги илмий-тадқиқот марказларининг жамият маънавий ҳаётини ислоҳ қилишга, маърифий соҳани янада ривожлантиришга ва халқ тафаккур оламини кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий ишлари мазкур йўналишдаги муҳим уринишлардир.**

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ



**Музаффархон ЖОНИЕВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори в.в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Диний-маърифий йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари жамият ва давлат маънавий ривожи йўлида муҳим илмий фаолият сифатида янгидан-янги изланишлар, янгича дунёқараш, умуминсоний ғоялар билан улкан тамаддуний мақсадларни ҳамда “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” ғоясини амалга оширишда маърифий асос вазифасини ўтайди. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичига олиб чиқишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Мазкур марказларда буюк муҳаддис, фақиҳ, калом, мутасаввиф олимлари мероси ўрганилиши, тадқиқ этилишига дунё илм аҳли катта қизиқиш билдираётир. Жумладан, Ал-Азҳар университети профессори Шайх Маҳмуд Абдураҳмоннинг: **“Термизлик уламолар бизга юксак илмий мерос қолдирган. Бу диёр олимлари қолдирган илмий меросдан бутун дунё ҳозиргача баҳраманд бўлиб келмоқда.**

**Бу борада бугунги Ўзбекистон барчамизга ўрнак бўлган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари орқали етакчилик қилмоқда”,** деган эътирофи бизга ифтихор туйғусини беради. Дарҳақиқат, илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти муҳим маънавий-маърифий таянч нуқта вазифасини ўтайди.

Жорий йил 16 ноябрь куни Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига, хусусан, Ҳаким Термизий мақбарасига ташрифи чоғида термизий алломалар илмий меросини чуқур ўрганиш, улардан кенг халқ оммасини хабардор қилиш орқали жамиятдаги соғлом маънавий муҳитни янада мустаҳкамалаш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳақиқатан, юртимиз алломалари асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, тинчликсеварлик, бағрикенгликка йўғрилган илғор ғояларни тарғиб этиш, кенг жамоатчиликка етказиш, айниқса, ёш авлод онгу шуурига сингдириш, уларни муносиб етук авлод руҳида тарбиялаш бугунги глобаллашув даврида ҳар қачонгидан долзарб саналади.

Дунёда бўлаётган нотинчликларни тўғри баҳолаган ҳолда, соғлом мафкурани шакллантириш, фуқароларни бузғунчи тоифалар таъсиридан асраш, уларга алломаларимиз асарлари, ўгитларини етказиш ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Термиздан кўплаб алломалар етишиб чиққан. Хусусан, тафсир, ҳадис, ақида ва адабиёт соҳасига оид мактабларда Ҳаким Термизий, Абу Жаъфар Муҳаммад Термизий, Имом Абу Исо Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий каби термизий нисбаси билан 100 дан ортиқ аллома ижод қилган. Улар томонидан ҳар бир давр учун аҳамиятли ва долзарб бўлган илғор ғоялар илгари сурилган.

Масалан, IX асрда Имом Термизий “Сунани Термизий” асари орқали Термиз ҳадис мактабини дунёга танитган бўлса, XII асрда Мажидуддин Жаъфар ибн Али Мусавий астрономик тадқиқотлар учун Мовароуннаҳрдаги илк расадхоналардан бирига асос солган. XIV-XVI асрларда Мушкинқалам Термизий, Кашфий Термизий ва Мир Мусаввир Термизий каби ижодкорлар Хуросон ҳамда Ҳиндистонда адабиёт ва рассомлик санъати мактабларини яратган.

Алломаларимизнинг ёт ғоя ва ақидаларга қарши фикрлари ҳам ҳар бир давр учун аҳамиятлидир. Чунончи, IX-X асрларда жаҳолат, турли бузуқ ақида ва қарашларнинг жамият маънавий ҳаётига салбий таъсири кучайган бир даврда Ҳаким Термизий ўз асарлари орқали хорижийлик, жаҳмийлик, рофизийлик каби мутаассиб ва радикал оқимларга қарши кескин раддиялар берган.

XVII-XVIII асрларда Сўфи Оллоёр адашган гуруҳларга қарши халқчил раддияларини илгари сурган. Ушбу жиҳатлар Термизда дунё илмий жамоатчилигини жалб қилган ҳолда халқаро илмий конференция ўтказиш таклифининг нақадар ўринли ва долзарб эканини кўрсатади.

Албатта, термизий алломаларнинг илғор ғоялари бугунги замон кишисини ҳушёрликка чорлайди. Чунки жаҳолат кучайган, саводсизлик авж олган, маърифатдан мосуволик бўлган жойда адашишлар, ёт ғоялар таъсирига берилишлар юзага келади. Бунинг учун ягона маърифий қурол алломалар меросини чуқур ўрганишдир. Шундагина ёш авлод онгу шуурини бугунги таҳликали замонда авж олган ёт ғоялардан асраган ва ҳимоялаган бўламиз.

Умуман олганда, глобал хавф-хатарлар чуқур илдиз отиб бораётган бир даврда миллий ўзликни англаш, аждодлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уни халққа етказиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ёшларимиз илмий марказлар томонидан чоп этилаётган бой маънавий асарлардан хабардор бўлиб бориши ғоят муҳим.

Чунончи, улар аждодларимизнинг илмий салоҳиятига муносиб баҳо бера олишлари баробарида, бизгача етиб келган ноёб мерос — асарларнинг мазмун-моҳиятини ҳам чуқур англаши, идрок этиши керак. Бунинг учун нодир асарларда баён этилган чин умуминсонийлик ғояларини содда ва халқчил тарзда ёш авлодга етказиш лозим. Зеро, аждодларимиз мероси асрлар давомида маърифат, тинчлик ва бунёдкорликка чорлаб, эзгулик чақириғи сифатида хизмат қилиб келган.

Уларни илмий асосда изчил ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган халқаро даражадаги илмий анжуманлар ташкил қилиниши эса қадим юртимизнинг азалий илмий-амалий, маърифий қудратини намоён этиб, ўз навбатида, термизий алломалар меросини дунё илмий жамоатчилигига яқинроқ танитиш имконини беради.



> **ЖОРИЙ ЙИЛ 16 НОЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА, ХУСУСАН, ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МАҚБАРАСИГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ, УЛАРДАН КЕНГ ХАЛҚ ОММАСИНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТДАГИ СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМАЛАШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ.**



БУГУННИНГ ГАПИ

# ИШОНЧ, РАҒБАТ ВА ТЕНГЛИК

## ишбилармон аёллар сафини кенгайтиради

**Бошланиши 1-бетда**

Хўш, бу жараёнда хотин-қизларнинг иштироки қандай бўлади? Бугун аёл тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг салкам 30 фоизи хотин-қизлар томонидан бошқарилмоқда. Тўғри, бу ҳали етарли эмас, аммо бундан олти йил олдинги ҳолат билан солиштирганда, анча юқори натижа.

Юртимиз аҳолисининг 17 миллиондан зиёдини ташкил этаётган хотин-қизлар орасида кичик ишбилармонлардан тортиб, оғир саноат, қурилиш материаллари, бошқа мураккаб ишлаб чиқаришларда фаолият юритаётганларни ҳам учратяпмиз. Бу, аввало, уларда оила, уй-рўзғордан ташқари, ижтимоий ҳаётда ҳам ўз ўрнини топишга интилиш юқори эканидан далолат бўлса, бошқа томондан, юртимизда шунга яраша шарт-шароит яратилаётгани билан боғлиқ. Ушбу кўмак, ишонч ва қўллаб-қувватлов уларда жамият ҳаётига дахлдорлик, иқтисодий тараққиётимизга ҳисса қўшиш истагини оширмоқда. Бир вақтлар ҳатто эркаклар учун ўта машаққатли иш ҳисобланган тадбиркорлик бугунга



келиб, хотин-қизларимиз ҳам уддаласа бўладиган касбга айланди. Улар соҳада яратилаётган барча қулайлик ва шароитлардан эркаклар билан баробар, ҳатто қўшимча имтиёзлардан ҳам тенг ҳуқуқда фойдаланмоқда.

### Тадбиркорлик таълим олишга ундади

Тадбиркор аёлларнинг ўз ишлари ҳақида тўлиб-тошиб айтадиган гаплари соҳадан узоқ инсонда ҳам иштиёқ уйғотади, кишида тадбиркор бўламан, деган мақсад пайдо қилади. Ана шундай суҳбатдошларимиздан бири сирдарёлик Замира Салимова ҳам 3 та нодавлат мактабгача таълим муассасасига раҳбарлик қилади. Мирзаободнинг ҳақиқий ташкилотчи, тиришқоқ аёлларидан. Оила, уй-рўзғор ишлари, 4 фарзанд тарбиясидан ортиб, яна юзлаб болаларнинг таълим-тарбия олишига ҳисса қўшяпти. Тадбиркорлиги ортидан 50 нафарга яқин хотин-қизни иш билан таъминлаган.

Аёлнинг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехи бор. Ҳозир вилоятда махси ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бу орқали яна ўнлаб хотин-қизни иш билан таъминлаш ҳаракатида. Тадбиркор билан суҳбатлашиб, бу борада узоқ йиллик тажрибага эга бўлса керак, деган хаёлга бордим. Янглишибман, Замира опа якка тартибдаги тадбиркорлигини 2019 йилда 25 ўринли боғча ташкил этишдан бошлаган. Бугун "Янги тадбиркор келажаги" МЧЖга раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Асли касбим бўйича 15 йил давомида давлат мактабгача таълим муассасасида ҳамшира бўлиб ишлаганман, — дейди Замира Салимова. — Болалар билан ишлаш жуда ёқади. Шу билан бирга, тадбиркорликка ҳам қизиқишим бўлган. Доим хусусий боғча очиб, бизнесимга эга бўлиш ҳақида ўйлардим. Аммо бунга на имконият, на шароит бор эди. Кейинги йилларда тадбиркорликка кенг йўл берилаётганини кўриб, иш бошлашга қарор қилдим. Аввалига осон кечмади, бироқ ҳаракатда давом этдим. Тадбиркор хотин-қизларга берилаётган кредит, солиқ имтиёзлари кўмак бўлди. Аста-секин иш кўлами кенгайиб борди. 2021 йилдаёқ Гулистон шаҳрида 25 ўринли яна иккита боғча очдим. 2022 йилда Мирзаободдаги боғчамни 50 ўринга кенгайтирдим. Шу кунларда эса вилоятда имконияти чекланган болалар учун МТТ очиш ҳаракатидаман. Ушбу боғча реабилитация ҳамда таълим-тарбияни ўз ичига олади.

Ҳудудда 40 мингдан зиёд хотин-қиз бор, шундан тадбиркор аёллар сони 200 нафардан ошган. Уларнинг аксарияти оилавий тадбиркор. Шунга қарамай, ҳудуд иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшяпти. Уларга ҳавас қилиб, ўз тадбиркорлигини бошлаш истагидаги хотин-қизлар кўп. Талабгорлар учун бепул ўқув курслари ташкил этилган.

Қаҳрамонимиз ҳам шундай курсларда ўқиб, билимини мустаҳкамлаган. Ҳозиргача ҳудудда ташкил қилинадиган турли семинарларда фаол иштирок этиб, тадбиркорликка оид янги билимлар, ҳуқуқий асосларни ўрганиб боради. Олий маълумотли бўлишни ҳам мақсад қилган. Айни вақтда нодавлат университетлардан бирида сиртқи йўналишда таҳсил оляпти. Шу билан бирга, ҳудуддаги хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитишда ҳам иштирок этади. Иқтидорли битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашади. Ахир, унинг келгусидаги режалари кўп. Фаолиятини янада кенгайтириб, кўпроқ хотин-қизни иш билан таъминлашни режалаштирган. Аёлларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши, билим олиб, севимли соҳасида ишлаши тарафдори.

### Ишсизликдан катта грандгача

Чиндан ҳам, ҳозир ҳар соҳада билим, тинимсиз ўрганиш, замонавий технологиялар билан ишлай олиш жуда муҳим. Ўз устида ишламаган, янгиликлар билан ҳамқадам бўлмаган одам



ривожланишдан тўхтаб қолади. Айниқса, тадбиркорлик доимий изланишни талаб этади. Юртимизда яратилган янги тадбиркорлик муҳитида соғлом рақобатга дош бера олиш учун ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслик керак.

Наманганлик Ойдина Аҳмадалиева оддий уй бекаси эди. Ўрта мактабни тугатгач, фарзандлар тарбияси билан андармон бўлди, орадан вақт ўтиб, моддий қийинчилик сабаб иш излай бошлади. Қўлида бирор касби, ҳунари бўлмаган аёл тадбиркорлик курсларидан бирида ўқиди. 7 кунлик бепул ўқув курси кимлар учун шунчаки вақт ўтказишдек кўринган бўлса, Ойдина учун ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган ёруғликка айланди.

— Фарзандларим бирин-кетин катта бўлгач, харажатлар ҳам ортди. Бир томонда рўзғор ташвиши, уни тўлдиришнинг ўзи бўлмайди, — дейди Ойдина Аҳмадалиева. — Аввалига анча вақт иш излаб овора бўлдим, аммо одамнинг қўлида касби ёки ҳунари бўлмаса қийин экан. Охири Бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилдим. Улар қайси йўналишга қизиқишимни сўраб-суриштирди. Ўзим истаган йўналишда ўқишим ёки иш топишимга ёрдам кўрсатишларини, биз каби қийналган аёлларга кўмак бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини айтди. Янги тизим асосида 2019 йили "Аёллар дафтари"га киритилдим. Шундан сўнг қизиқишимга кўра, тадбиркорлик курсларига йўналтиришди. Чунки мен ҳам ўз бизнесимни йўлга қўйишни истаётгандим. Аммо хаёлимда минг иккиланиш, қўрқув бор эди. Мендан ҳеч нарса кетмайди, деган ўй билан тадбиркорлик курсида таҳсил олдим. Иш бошлашимга билимсизлик, уқувсизлигим халал берарди. Имкониятдан фойдаланиб, кўплаб курсларда бирин-кетин ўқидим. Ҳатто компьютер саводхонлигини ҳам эгалладим, бизнес кўникмалар бўйича дарслар олдим. Ушанда ҳамма тадбиркорлик қилиш мумкинлиги ва бунинг учун барча эшиклар очиқлигини кўрдим. Хусусий тадбиркорлигимни бошлашга умид пайдо бўлди. Бу умид ишончга, ишонч эса аниқ мақсад ва амалий ҳаракатларга айланди.

Қаҳрамонимиз 2021 йилда илк бор тадбиркорликка қадам қўйди. БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги Финляндия лойиҳасида иштирок этиб, 13 минг доллар грант соҳибасига айланди. Лойиҳа ташаббускорлари бу маблағ ҳисобидан аёлга мевани қайта ишлаш ускуналарини олиб берди.

Ҳозир Ойдина Аҳмадалиева Чортоқ туманидаги кўзга кўринган тадбиркорлардан. Корхонаси меваларни қуритиб, қайта ишлашга ихтисослашган. Тайёр маҳсулот ички бозорга етказилади. Энди ташқи бозорни ҳам ўрганяпти, маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ҳаракатида. Ўнга яқин аёлни иш билан таъминлаган.

Бундан ташқари, ҳудуддаги ўзи каби тадбиркорликка иштиёқи баланд хотин-қизларга дарс ўтиб, иш бошлаши учун кўмак бериб келяпти. Ҳар доим ўқиш, изланишда. Ҳозир Намангандаги хусусий университетлардан бирининг 1-босқич талабаси. Шу билан бирга, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг тадбиркор хотин-қизларга мўлжалланган дастурида ҳам ўқиб, билимини оширяпти.

— Аёллар қонуний ҳуқуқларини билса, уларга берилаётган имтиёзлардан хабардор бўлса, ҳеч бир йўналишда қийналмайди, — дейди тадбиркор. — Айтсак, кўпчиликка эриш туюлиши мумкин, аммо бундан 6-7 йил олдин хотин-қизларнинг тадбиркор бўлиши чиндан жуда машаққатли эди. Салоҳияти, билими борлари ҳам турли тўсиқлар, ҳужжатбозлик билан боғлиқ қийинчиликлар сабаб иш бошлай олмасди. Бугун ҳар ким тадбиркор бўлиши мумкин, интилиш, иштиёқ бўлса бас. Туманимизда Чортоқ темир йўл логистика марказини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар бошланган. Германия лойиҳаси бўйича ҳудуддаги 21 та фермер хўжалигини бирлаштириб, боғдорчилик кооперациясини ташкил қиляпмиз. Бу ҳам мамлакатимизда тажриба сифатида амалга оширилаётган янги лойиҳалардан бири. Бундай лойиҳалар тадбиркор аёлларнинг жаҳон бозорига чиқишига янада кенг йўл очади.

### "Севимли ишим тушкунликдан олиб чиқди"

Фаол, ишбилармон аёлларни рағбатлантириб бориш ҳам бугун давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳар йўналишда турли танловлар ўтказилиб, муносиблар тақдирланяпти. Шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган анъанавий "Анор — 2023" танлови ғолиблари ҳам жамиятимизнинг энг фаол, ташаббускор хотин-қизларидир.

Қашқадарёлик Дилдора Мўминова танловнинг "Энг яхши фермер" номинацияси ғолибига айланди. Кўринишидан зиёли экани билиниб турадиган аёл суҳбат чоғида асли касби ўқитувчи экани, 20 йил мактабда ўқувчиларга сабоқ берганини айтди. Тадбиркорликка эса болалигидан қизиққан ва бу иштиёқ вақти келиб жиддий мақсадга айланди.

— Асли қишлоқда ҳар бир қиз ишбилармон, уддабурон бўлиб вояга етади. Уй юмушларидан ташқари дала ишлари, мол-ҳол, тикиш-бичишни қилавериб, тадбиркор бўлиб қолганини билмай ҳам қолади, — дейди Дилдора опа. — Ўзим зиёли оилада туғилганман ва болаликдан жуда кўп нарсага қизиққанман. Кўп қиррали бўлишни ёқтираман, битта йўналиш билан чегараланиб қолмайман. Эсласам, тадбиркорликка ҳам болаликдан қизиққан эканман. Илк ишимни дадам ва укаларим билан биргаликда юритганмиз. Ҳозир эса оилам, фарзандларим кўмакчи. Узоқ йиллар ўқитувчилик қилдим. Аммо доим ичимда тадбиркорликка иштиёқ бўлган. Шу боис, 2015 йилда "Dilar" МЧЖни очдим. Бу ерда миллий ва замонавий усулдаги кийим-кечак тикамиз, ўз брендимизни яратдик. Маҳсулотларимиз ички бозорга сотилади, келгусида экспорт қилиш режаларимиз бор. Корхонада 10 дан ортиқ доимий, 30 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратганман. Иш жараёнида қийинчиликлар бўлиб туради, аммо булар қонун-қоидаларни билмаслик билан боғлиқ. Соҳани яхши тушунган, ҳуқуқий асосларини билган одамга ҳозир тадбиркорлик қилиш у қадар машаққатли эмас. Фақат ҳалол, астойдил ишлаш керак. Фермерликка келсак, бу ҳам тадбиркорлигимнинг бир қисми. Ҳали айтганимдек, биз дала ишларида тобланиб катта бўлганмиз. Шунинг учун далада меҳнат қилиш қийинчилик туғдирмайди. Айниқса, ҳозир аграр тармоқ тадбиркорликнинг яхшигина йўналишига айланган даврда. Фермер ўз ерига ҳам, маҳсулотига ҳам, даромадига ҳам ўзи эга чиқяпти. Бу эса ишга бўлган завқни янада оширади. Шунинг учунми, 35 гектар еримизнинг бир қаричини ҳам бўш қолдирмаймиз. Узум, лимон, кўкатлар етиштириб, халқимиз дастурхонига тақдим қиляпмиз. Чорвачилик тармоғини ҳам йўлга қўйганмиз, мол-ҳол, от, туя дегандек. Бу йўналишдаги ишларни ҳам кенгайтириб, гўшт маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш ниятим бор.

Ўтган йиллар давомида ҳаётимда қийин кунлар, йўқотишлар ҳам бўлди. Шундай вақтларда ишим менга куч бериб турди. Аёл кишининг бир касби, ҳунари бўлса, севимли соҳасида меҳнат қилса, тушкунликка тушиб қолмайди. Бугун тадбиркор хотин-қизларга қараб туриб, уларда ҳаётга бўлган завқ, иштиёқни кўраман. Бари ўзларига қараган, кўзлари чақнаб турибди, билим олиб, ўз устида тинимсиз ишлаяпти. Демак, уларнинг ҳаётида маъно бор, турмушидан мамнун. Давлат томонидан бўлаётган эътибор, имтиёз ва қўллаб-қувватлов эса ўзларига ишончни янада оширяпти. Улар, чиндан ҳам, бахтли. Бахтли аёл эса нафақат оиласи, балки атрофдагиларга ҳам ўз ибрати билан қувонч улашади, рағбат бера олади.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

АСАЛАРИЧИЛИК

# МИНГ ДАРДГА ДАВО, ДАРОМАДГА ДАРМОН



**Нукуслик Даўран Қурбаниязов 30 йилдан бери асалари боқиш билан шуғулланади. Айни пайтда асал савдосини ҳам йўлга қўйган. Қизиқ томони, йўл бўйида сотувга қўйилган маҳсулотни аксарият ҳолларда харидорлар сотувчисиз ҳам олади. Яъни харидор асал тўловини шу ердаги махсус қутига ташлаб кетади. Ўзим ҳам бунга бир неча марта гувоҳ бўлганман. "Нима учун асални кўчада қаровсиз қолдириб кетасиз?", деган саволимга у "Одамларга ишонаман, 30 йилдан бери ушбу соҳанинг ичидаман. Ишларим чиқиб қолса, телефон рақамимни қолдириб кетаман. Харидорлар қўнғироқ қилиб, савдолашади ва пулини қутига солиб кетади", деб жавоб берди.**

Тажрибали тадбиркорнинг айтишича, 50 қути асаларидан йилига 2,5-3 тонна асал олади. Ундан ҳар хил маҳсулотлар ҳам тайёрлайди. Эндиликда Россиядан иқлим шароитимизга мос асаларининг янги авлодларидан олиб келмоқчи. Бугунги кунда бозорларимизда бир кило асал 60 мингдан 100 минг сўмгача сотилаётганини ҳисобга олсак, демак, асалари етиштириш яхшигина даромад манбаи экани англашилади.

Аслида, Қурбаниязовлар оиласи учун асаларичилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолавий касб. Даўран бу ишни отаси Азат Қурбаниязов ва онаси Наталья Аллаяровадан ўрганган бўлса, ўз навбатида, улар асаларичилик сир-асрорларини тадбиркорнинг бобоси Шарипбай Қурбаниязовдан ўрганиб, оилавий тадбиркорликни давом эттирган.

Азат Қурбаниязов отасининг ёнида 5 ёшидан бошлаб ушбу соҳа сирларини ўзлаштирган. Бугунги кунга келиб эса бу ишларга, асосан, ўғли Даўран бош-қош. Лекин Азат ака ҳамма ишни ўғлига топшириб, томоша қилиб ўтирадиганлар хилидан эмас. Ҳар ишда фарзандига камарбаста, маслаҳатчи. Шу билан бирга, турмуш ўртоғи Наталья билан асалари заҳри, сути, прополиси, гулчангидан ҳар хил дори-дармон ҳам тайёрлайди.

Кейинги йилларда юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, сифатли асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган, соҳани жадал ривожлантиришга доир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 июндаги "Асаларичилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини айни йўналишдаги муҳим ҳужжатлардан бири, дейиш мумкин. Бинобарин, ҳужжат билан соҳа ривожига хизмат қилувчи 2023-2024 йилларда асалари оилалари сонини кўпайтириш ва асал етиштириш ҳажмини ошириш, мазкур даврда асаларичилик субъектлари ва маҳаллий шароитда етиштириладиган она арилар сонини кўпайтиришнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди. Шунингдек, юртимизнинг қатор ҳудудларида Наманган ва Фарғона вилоятлари тажрибаси асосида асаларичилик саноат марказларини ташкил этиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Қарорга мувофиқ, жорий йил Қорақалпоғистонда асалари оилалари сони 40 мингдан оширилади, шунга мос равишда етиштирилган асал ҳажми қарийб 1,5 минг тоннага етказилади. Кейинги йил эса бу борадаги кўрсаткичлар мос равишда асалари оилалари сони бўйича 48 минг 800, олинадиган маҳсулот ҳажми эса 1 минг 643 тонна этиб белгиланган. Ваҳоланки, 2020 йилда ҳудудда 28 минг асалари оиласи бўлиб, улардан 910 тоннадан ортиқроқ асал олинган.

— Жорий йил асаларичилик йўналиши бўйича қиймати 3 миллиард 365 миллион сўмлик 47 лойиҳа амалга оширилиб, 234 та янги иш ўрни ташкил қилинади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Асаларичилик уюшмаси раиси Эркин Расулов. — Маҳаллий шароитда етиштириладиган зоти яхшиланган она арилар ўтган йили 25 мингта бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 40 мингдан оширмоқчимиз. Аҳоли хонадонларига 11 минг 100 та асалари оиласини етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Шуларнинг ҳисобига жорий йилда 1 минг 470 тонна асал етиштиришни мақсад қилганмиз (ўтган йили 1 минг 265 тонна). Шунингдек, асалари билан шуғулланувчилар сонини 1 минг 600 нафарга етказиш режа қилинган. Умуман олганда, йил сайин асалга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу талабни нафақат қоплаш, балки экспорт қилиш имкониятларини ошириш ҳақида ўйлаяпмиз. Зеро, мамлакатимизда бунинг учун етарли шароит яратиб берилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бир томондан, юртдошларимизнинг асал маҳсулотларига талабини қондириш, бошқа томондан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Чунки асалари озиқ-овқат занжирининг муҳим қисми ҳисобланади ва экотизим мувозанатини сақлашда муҳим роль ўйнайди. Маълумотларга кўра, улар барча ўсимликларнинг учдан биридан кўпроғини чанглатади. Демак, асалариларсиз мева-сабзавотлар, асал ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тўкинлигини тасаввур қилиш қийин. Қолаверса, бу митти ҳашаротлар атроф-муҳитни асраш ва саломатлигимизни сақлашга ёрдам беради. Шу боис, бутун дунёда асаларичилик тармоғи давлатлар қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам асаларичиликни ривожлантириш, шу орқали аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Асалари боқиб даромад кўраётганлар Беруний туманида ҳам кўп. Туманда асаларичиликка ихтисослашган 8 та фермер хўжалиги мавжуд, улар томонидан бу йил 20 тонна асал олиниши кутиляпти. Умуман, туманда жорий йил 71 тонна асал етиштириш режалаштирилган бўлиб, асосий қисми аҳоли хонадонлари ҳиссасига тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси "Чорва насл" марказининг Беруний тумани бўйича вакили Фарҳод Янгибоевнинг таъкидлашича, фермер хўжаликлари ва аҳоли ўртасида асалари боқиш бўйича тизим йўлга қўйилган. Яъни ушбу йўналишдаги фермерлар талабгор аҳолига шартнома асосида асалари оилаларини етказиб беради. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг қўшимча даромад топиши ва кўпроқ асал етиштиришга хизмат қилмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишича, битта асалари оиласи уй шароитида ўртача 15-20 килограммгача асал бера олади. Агар асалари оиласи тўғри парваришланса, ундан ҳам кўп маҳсулот олиш мумкин. Булар, албатта, уларни серасал ўсимликлар жойлашган жойга кўчириш ва асалари зотига боғлиқ.

Асаларичилик Нукус туманида ҳам яхши ривожланган.

— 2017 йилдан буён асал маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланамиз, — дейди "Каратерек асалчи" фермер хўжалиги раҳбари Дарменбай Юсупов. — Ҳар йили 2-2,5 тонна асал оламиз. Маҳсулотларимизни сотиш учун "Ақманғит" деҳқон бозоридан алоҳида жой ажратилган. Бу йил баҳор мавсуми қулай келди. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўляпти.



Яна бир гап, бу фермер айни йўналишдаги бошқа тадбиркорларга ҳам яқиндан ёрдам бериб келади. Хусусан, асаларичилик учун зарур жиҳозларни энг қулай шартларда етказиб беради.

Кегейли туманидаги "Ақтуба" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Жумабай Нурманов бундан 7-8 йил олдин 2 қути асалари боқишни бошлаган эди. Бугунги кунга келиб, унинг асаларилари қутиси 50 тадан ошиб кетди.

— Бу соҳага қизиқишимга бир кўрсатув сабаб бўлган. Нимага мен асалари боқа олмайман, ҳаракат қилиб кўрсам, уддаласам керак, деган таваккалчилик билан бошлаганман, — дейди у. — Ҳозирги вақтда 17 кишини доимий иш билан таъминладим. Асалари боқишни истаганларга қўлимдан келганча ёрдам бераман.

Бугунги кунда асаларичилик тармоғини тубдан такомиллаштириш, хўжаликлар фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини янада кўпайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тўғри, ҳеч бир соҳа камчиликдан холи бўлмаганидек, ушбу йўналишда ҳам эътибор қаратилиши лозим жиҳатлар мавжуд. Масалан, асални қайта ишлаш саноат даражасида эмас. Бу орқали эса қўшимча қиймат занжирини яратиш, яна кўплаб юртдошларимиз бандлигини таъминлаш, экспорт имкониятларини ошириш мумкин. Эътиборли жиҳати, аввало, камчиликлар аввалгидек хаспўшланмаяпти. Қолаверса, маълум вақт талаб этиладиган соҳани саноатлаштириш учун бугун зарур чоралар кўрилмоқда. Фикримизча, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш, соҳадаги илғор тажрибаларни татбиқ этиш орқали мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантиришга эришилади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



# ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошланади



**Ҳотамжон ҚОБУЛОВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Халқимизда “Таълим-тарбия бешикдан бошланади”, деган ҳикмат бор. Фақат маърифат инсонни камолотга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли янги Ўзбекистонда бола туғилганидан бошлаб уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Мамлакатимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган мактабгача ва мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизими, илмий тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича салмоқли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

### Бирламчи ва энг муҳим бўғин

Соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади. Бироқ бу тизим ривожланишдан ортда қолган эди. Мустақиллик қўлга киритилганидан то 2017 йилгача давр оралиғида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари 45 фоиз камайган. Оқибатда мактабгача ёшдаги болаларнинг 30 фоиздан камроғи боғчаларга қамраб олинган, холос. Бу кўрсаткич Данияда 99 фоиз, Японияда 97 фоиз, Жанубий Кореяда 95 фоизни ташкил этади.

Бугун эса мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, юқори савияга олиб чиқиш борасида бошланган ислоҳотлар жадаллашмоқда. Жумладан, болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилдагига нисбатан 2,5 баробар ошиб, 71,8 фоизга етказилди. Ҳозир мактабгача таълим ташкилотларида 2 миллиондан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Таълим бериш учун зарур моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида охирги етти йилда 5 минг 137 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Хусусий сектор ҳисобига нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони 364 тага етиб, 2017 йилдан 2021 йилга қадар деярли 6 баробар ошди. Натижада 643 минг янги ўқувчи ўрни яратилди. Мактабларда халқаро молия институтлари грантлари, инвестиция ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 6 минг 251 та замонавий компьютер синфи (95 минг дона) ташкил қилинди.

Билим беришда таълим сифатини таъминлаш баҳссиз масаладир. Янги Ўзбекистон пойдеворининг мустаҳкамлиги бевосита унга боғлиқ. Шунинг учун сифатли таълим ва билим беришнинг барча жиҳатини таъминлаш доимий кун тартибида бўлиши зарур. Албатта, сифатли таълимни юқори билим ва малакага эга педагоглар таъминлайди. Мамлакатимизда педагог ва ходимлар салоҳиятини ошириш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Таълим олиш тамойили асосида янги — “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси орқали малака ошириш тизими яратилган. Унда 341 минг ўқитувчи малака оширди. Натижада 278 минг педагог аттестациядан ўтказилиб, тоифага эга ўқитувчилар улуши 43,8 фоиздан 64,8 фоизга ошди.

Шу билан бирга, жамиятда ўқитувчиларнинг мавқеи ва обрўсини кўтариш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Таълим соҳаси ходимларини мажбурий меҳнатга жалб этишга барҳам берилиб, кўп минг сонли педагог-ходимлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Мактаб таълими соҳасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон халқаро таълим рейтинги ва индексларида мавқеини яхшилаб келмоқда. Хусусан, “Инсон камолоти индекси” таркибидаги таълим индексида 2015 йилдаги 81-ўриндан 2021 йилда 71-ўринга, Глобал инновацион индексда 2015 йилдаги 122-ўриндан 2021 йилда 82-ўринга, Глобал инновацион индекснинг таркибидаги инсон капитали йўналиши бўйича 2015 йилдаги 76-ўриндан 2021 йилда 65-ўринга кўтарилди.

### Узлуксиз таълим тизими

Профессионал таълим тизимини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб этиш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимига асос солинди. Натижада касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар ташкил этилди.



Иш берувчиларнинг талаб ва таклифларига асосан, кадрларга реал эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, барча соҳа ва тармоқлар учун зарур малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда жамиятнинг касб ва мутахассисликларга талабини қондириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш, маҳаллий ва халқаро таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш профессионал таълимнинг асосий мақсадидир. Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатда ишсизлик даражасини камайтириш, иш ўринлари доимийлигини таъминлаш, меҳнат бозорига тажрибали кадрлар етказиб беришга хизмат қилади.



Профессионал таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва географик шароитлари, меҳнат бозорининг тегишли соҳа мутахассисларига талабини, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга эҳтиёжи ҳамда олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади.

Аввалига профессионал таълим муассасаларида фақат кундузги шаклда ўқитилган бўлса, 2021 йилдан бошлаб касб-ҳунарга ўқитиш кўлами ва ёшларга таълим олиш имкониятини кенгайтириш учун кечки, сиртқи ва дуал таълим шакллари йўлга қўйилди. 2021/2022 ўқув йилидан 63 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида дуал таълим шакли жорий этилди. Уни самарали ташкил қилиш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилди, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўқувчиларга малакали мутахассислар бириктирилди.



Ҳозир юртимиздаги 704 та профессионал таълим муассасасида 375 мингдан ортиқ ўқувчи касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Уларни 120 та касб, жумладан, имконияти чекланган шахсларга мўлжалланган қисқа муддатли 20 та курсда ўқитиш жорий этилди.

Ёшларни касб-ҳунарга, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш борасида барча таълим муассасаларида бизнес асослари, Германиянинг бизнес ўйинларга асосланган янги методикаси орқали ўқитиш йўлга қўйилди. 2023 йилда Германия методикаси асосида 545 ўқитувчининг тадбиркорлик кўникмалари бўйича малакаси оширилди.

Бугун тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эта оладиган қудратли куч бўлган илм-фан, таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг қатор етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас. Зеро, юртнинг эртанги куни, равнақи айнан шу соҳада қўлга киритилган ютуқларга бевосита боғлиқ. Бу борада олий таълим тизимининг ўрни беқиёс.

Олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси дастурламал вазифасини бажармоқда.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказилди. 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилиб, молиявий барқарорликни таъминлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, контракт асосидаги қабул параметрларини белгилашда мустақил ҳал этиш имконияти яратилди. Ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан ўқув режа ва дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби жорий этилди.

Барча олий ва профессионал таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилишининг янги тизими йўлга қўйилди. Бунда қизлар учун таълим кредитлари фоизсиз белгиланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Таълим-тарбия ва ижтимоий ислоҳотлар ажралмас узвий боғлиқликдаги масала ҳамда уни таъминлаш инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим унсуридир. Базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг тўлов-контракт пулларини тўлаб бериш жорий этилди.

2018-2023 йилларда олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича замонавий ўқув-илмий лабораториялар билан жиҳозлаш мақсадида халқаро молия институтлари (Жаҳон банки ва Ислом тараққиёт банки) иштирокида умумий қиймати 70,3 миллион долларлик 2 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

### Шахсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий омили

Таълим инсон шахсини ривожлантириш учун асосий эҳтиёжлар қаторига киради ва ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Сифатли таълим бутун жамият ва унинг аъзоларига мамлакатнинг иқтисодий бойликларидан фойдаланиш, меҳнат бозорида катта мавқега эга бўлиш ва юқори даромад олиш имконини беради.

Таълим сифатини ташқи таъминлаш бўйича 30 кишилик экспертлар гуруҳи шакллантирилди ва халқаро даражада аккредитациядан ўтказувчи мутахассис сифатида нуфузли хорижий экспертлар томонидан уларнинг малакаси оширилди.

Сўнгги олти йилда олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурлари доирасида 8 минг 636 профессор-ўқитувчи хорижий олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва тажриба алмашиш учун юборилди. Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида хорижлик 7 минг 385 мутахассис ўқув жараёнига жалб қилинди.

Инсон капиталининг шаклланишида нафақат таълим-тарбия, балки илм-фанни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли илм-фан соҳасига алоҳида эътибор қаратиш, унинг вакилларини қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш давлат ва ҳукумат олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Инновация ва илм-фан соҳаларига давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағ ҳажми 3 баравар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми 3,5 баравар оширилди, хусусан, маблағларнинг 40 фоизи зарурий асбоб-ускуналар, реагент ва материаллар харидига йўналтирилди.

Илм-фан ва илмий фаолиятни бошқариш тизими такомиллаштирилди, молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражаси ва инновацион жиҳатдан тараққий этганликни белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантиришга асосий урғу берилди. Қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида технологик тараққиёт ва инновацияларни жорий этишни таъминлаш, инсон капиталини ривожлантириш мақсадида олий таълим ва олий таълимдан кейинги қамров кенгайтирилди.

Замонавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши тўғридан-тўғри инсон капиталига боғлиқ. Шунинг учун алоҳида минтақа даражасида ҳам, давлат даражасида ҳам инсон ресурсларини ривожлантириш ва инсон капиталига мувозанатли инвестициялар соҳасида изчил сиёсат зарур. Бу йўналишда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмалари яратилди. Хусусан, республика ҳудудида 19 та янги инновацион инфратузилма ташкил этилди.

Ҳудудларда ёшларнинг таҳлилий фикрлаш, уларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, иқтидорли, ташаббускор ёшларга интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш мақсадида республиканинг 6 та вилоятида Ёшлар технопарки фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди.

Инсон капиталини ривожлантириш вазифаси бугунги кунда, биринчи навбатда, инсон салоҳиятини капиталлаштириш тармоқлари ҳисобланувчи бир қатор замонавий ижтимоий-иқтисодий тармоқлар — таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, фанни модернизация қилиш давлатнинг асосий вазифаси сифатида белгиланиши керак.

НУҚТАИ НАЗАР

# ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҚАНДАН ЎРИН ТУТАДИ?

**Олий таълим муассасаларида илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш ҳозир долзарб масалалардан. Шу боис, илмий салоҳият жаҳон рейтингида ОТМлар 1000 талиги қаторидан ўрин эгаллашнинг талабларидан бири этиб белгиланган. Ривожланган мамлакатларнинг халқаро рейтингда юқори поғоналардан ўрин эгаллаган кўпгина олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини таҳлил этсак, уларда ушбу кўрсаткич 60 фоиздан юқорилигини кўрамиз. Бунга АҚШ, Германия, Корея Республикаси, Хитой, Россия каби кўплаб давлатларнинг олий таълим муассасаларини мисол келтириш мумкин.**



**Барно АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат педагогика университети проректори, педагогика фанлари доктори, профессор**

Янги Ўзбекистон шароитида илмий педагог кадрлар тайёрлаш борасида илмий тадқиқотларнинг устувор жиҳатлари қатор мақсадли фаолият векторларида аниқ кўринади. Тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш шулар жумласига киради. Қолаверса, педагогик таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш, илм-фан ва ўтказишнинг илмий ташкилий ва дастурий базаси яратилди.

Илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш ҳолатини Тошкент давлат педагогика университети мисолида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бунда, энг аввало, кадрлар тайёрлашнинг узилмас ва бир-бирини тўлдирувчи “илмий халқа”си яратилмоқда. Хусусан, илмий тадқиқотнинг “бакалавр — магистр — таянч докторант — докторант” узвий векторли тузилмасини шакллантиришга эътибор берилган. Бу жараёнда иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш, магистрлик диссертацияси илмий натижадорлигини ошириш, докторлик диссертациялари амалий қиймати ва тижорийлаштиришга йўналтирилганини таъминлашга бош мезон сифатида қаралади. Университетда амалий ва инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш орқали самарадорлигини ошириш, илмий ишланмалар трансферини самарали ташкил этиш орқали педагогик таълимнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фундаментал ва амалий изланишлар кўламини кенгайтиришга эришиш ҳаётий принципга айланиб бормоқда.

Тошкент давлат педагогика университетини ривожлантириш стратегияси ва мақсадли кўрсаткичларининг аниқ белгилангани ҳамда илмий жамоанинг потенциалидан унумли фойдаланиш натижасида охирги бир йилда илмий салоҳият 38 фоиздан 52 фоизга оширилди. Олий таълим муассасасида фан докторлари сони 62, фан номзодлари эса 386 нафарга етди. Натижада университет юртимиздаги 30 та олий таълим муассасаси қаторида барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ОТМлар таъсирини баҳоловчи THE Impact Rankings халқаро рейтингидан жой олди. Энг муҳими, 2023 йил учун QS Осиё университетлар рейтингида Тошкент давлат педагогика университети етакчи 1000 таликдан ўрин эгаллади.



Шунингдек, ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали ўқитиш сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш зарурати мавжуд. Бу жараёнда илмий-педагог кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва амалга ошириш лозим.

Мамлакатимизда илмий-педагог кадрлар тайёрлашда ҳудуд ривожланишининг ўзига хослигини эътиборга олиш тенденцияси шаклланди. 2023 йилда қатор олий таълим муассасалари педагогика таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва институтлари негизида ОТМлар ташкил этилди. Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти ҳамда Урганч, Наманган, Гулистон, Андижон, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз давлат педагогика институтлари, Чирчиқ ва Жиззах давлат педагогика университетлари бунинг амалий мисоли. Мазкур ҳолат ҳудудларда илмий педагог кадрлар тайёрлашнинг маҳаллий хусусиятга эга, аниқ мақсадга йўналтирилган инфратузилмасини яратишга старт берилганини кўрсатиб турибди. Ушбу олий таълим муассасаларини ёш ва илмий салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконияти мавжуд.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири илмий педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини рақамлаштиришдир. Бинобарин, илмий даража ва унвонлар бўйича аттестация ишлари, жумладан, экспертиза жараёни электрон амалга оширилиши, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар ва ОАК ўртасидаги барча ҳужжат корпоратив электрон ҳужжат айланиш комплекс-таҳлилий ахборот тизими асосида бажарилиши, аттестацияни узлуксиз ва онлайн шаклда

Янги Ўзбекистон шароитида илм-фан ривожланишини рағбатлантириш тизими шакллантирилди. Энг аввало, илм-фан соҳасида бошқарув тизими такомиллаштирилиб, илмий фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди. Илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини диверсификациялаш ҳамда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот фаолиятига йўналтириш ва ютуқларини рағбатлантириш амалиёти йўлга қўйилди. Ўз навбатида, илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш, илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасидаги ишлар натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи ривожлантириш ва илмий-инновацион фаолият билан шуғулланишдан манфаатдорлиги ошди. Мана шундай шижоат ва интилишлар асносида 2030 йилга бориб, Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киритиш мақсади белгиланди.

Шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш, илм-фан ва таълим соҳасида юқори малакали кадрларнинг билим ва тажрибасини амалда қўллашни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) (ёки хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган даражалар) илмий даражасига эга шахслар учун лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга шахслар учун 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Илм — бахтга етакловчи ягона тўғри йўл. Юртимизда яратилаётган шарт-шароитларнинг қадрига етиб, келажакда эл дардига ярайдиган, халқ манфаатларини ўйлайдиган баркамол инсонларни тарбиялаш энг асосий бурчимиз. Маърифатли бўлиб, жаҳолатга қарши курашишимиз эртанги кунимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.



## Ўзбекистон Фанлар академиясининг 80 йиллигига

# Археологик экспедицияларнинг илк карвони



**Тарихда шундай олимлар борки, уларнинг ижод йўлидаги ҳаёт мезонлари шогирдлари ва фарзандлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Бағрикенглик, поклик, келажакка бефарқ бўлмаслик, илм-фанда ҳалоллик ва холислик, мулоқотда мулоҳазалилик, ўз нуқтаи назарини баён этишда қатъиятлилик каби фазилатлар соҳиби бўлган бундай инсонлар дунёни тарк этганларида ҳам эл оғзидан тушмайди.**

## АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ САРДОРЛИГИДА ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ЭДИ



**Аҳмадали АСҚАРОВ,**
**Низомий номидаги ТДПУ профессори, академик**

XX асрда яшаб ижод этган ана шундай улуғ сиймолардан бири, ҳаётда ва илму фанда пок инсон, тарихчи-археолог олим, устоз Яҳё Ғуломовдир.

Академик, асосан, Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтида фаолият юритгани ҳолда, узоқ йиллар давомида Низомий номидаги ТДПИ (ҳозирда университет)да тарих факультети талабаларига Ўзбекистоннинг қадимги тарихи ва археологиясидан дарс бериш билан бирга, ушбу олий таълим даргоҳи тадқиқотчиларининг илмий ишларига раҳбарлик қилди.

Яҳё Ғуломов 1908 йил 1 майда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Хўжа Аҳрор мадрасаси мударрисининг ассистенти вазифасида ишловчи отаси Ғуломхон махзум ва мактабдор онаси Сорахон отин тарбиясини олган. “Олти фарзанд орасида акам Яҳёхон ўткир зеҳни ва иқтидори билан ёшлигиданоқ кўзга ташланиб турар эди”, деб эслайди укаси профессор Саидаҳмад Ғуломов. Ўқишга чанқоқ Яҳё Ғуломов 7-8 ёшидаёқ волидаси Сорахон отиндан олган сабоқлари асосида арабча ва форсча китобларни бемалол ўқий олган. Ўрта таълимни эса 1918 йилда Тошкент шаҳрида очилган “Намуна” мактаб-интернатида ўзлаштирди.

Тошкентда мактаб таҳсилини якунлагач, ўқишни Самарқанд шаҳридаги Давлат педагогика академиясида давом эттиради. 1927-1930 йилларда академиянинг ижтимоий ва иқтисодий бўлимида ўқиди. У дорилфунунда ўша даврнинг машҳур олимлари Бўлат Солиев, Мусо Саиджонов ва Василий Вяткинлар қўлида таълим олганини эслайди.

Яҳё Ғуломовни археология фанига етаклаган биринчи устози В.Вяткин бўлган. У рус миллатига мансуб бўлишига қарамай, ўзбек ва тожик-форс тилларини яхши билган. Араб ва форс ёзма манбаларини, вақф ва хўжалик хужжатларини ўқир, уларни илмий таҳлил қилишда зукко олим эди. *“Мусулмон шарқи тарихи” бўйича В.Вяткиндан эшитган биринчи маърузадаёқ менинг илгариги қарашларим остин-устун бўлиб кетди. Чунки унинг билганлари олдида менинг ўзимга бўлган эътимодим пучдек кўрина бошлади. У X асрдаги Муҳаммад Табарий, Муҳаммад Наршахий ва кейинги асрларда яшаган Ибн Асир, Жувайний қаламига мансуб тарихий манбаларни шундай характерлаб бердики, улар қаршисида менинг ўқиб юрган китобларим ҳеч нарса бўлиб қолди”*, деб ёзади Яҳё Ғуломов ўз устози ҳақида.

Унинг хотира дафтари билан танишар эканмиз, археология фанига бўлган қизиқишни илк бор уйғотган инсон В.Вяткин билан боғлиқ эътиборга молик воқеалар кўплигига гувоҳ бўламиз. Бўлажак шогирдининг илмга астойдил интилишини сезган олим уни археолог қилиш мақсадида ўзи билан дала ишларига олиб чиқа бошлайди. Ҳатто академиядаги махсус археология кабинети мудири археолог И.Чейлиткога Яҳё Ғуломовни бириктириб қўяди.

Қаҳрамонимиз талабалик даврининг охирги йилидаёқ Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги “Ўзбек илмий-тадқиқот институти”нинг аспиранти бўлган. У дастлаб Самарқандда ўз илмий ишини давом эттириб, 1931 йилда Тошкентга қайтади ва Тошкент педагогика техникумида ўқитувчилик қила бошлайди.

Устознинг биз “Қори ака” деб мурожаат этадиган қайнағаси бўлар эди. Жуда хушчақчақ, ҳазилкаш, аммо ўз даврининг устамон тадбиркорларидан саналган. Қори ака устознинг ҳовлисига тез-тез келиб турарди. Устоз ишдан ҳали қайтмаган чоғларда Қори ака менинг мусофирхонамга “Қани, йигитча, ишлар қандай кетяпти?” деб кириб келарди. Ана шундай учрашувлардан бирида “Буни ҳеч кимга айта кўрманг, замон қалтис”, деб устоз ўтмиш ҳаётидан биз билмаган бир фактни айтиб берди. Устоз Тошкентда педагогика техникумида фаол ишлаб юрган кезларда унинг фаолияти шубҳа остига олиниб, НКПБга ёлғон маълумот етказилган. Бундан хабар топган ёш педагог Яҳёхон акалари Саид Одилхон ва укалари Саидаҳмадлар билан биргаликда маълум вақт Сурхондарё вилоятининг тоғли қишлоқларидан бири бўлган Синада яшириниб яшашга мажбур бўлган...

1933 йилда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошида республика тарихий ёдгорликларини сақлаш ва илмий ўрганиш комитети (Узкомстарис) ташкил этилиб, Яҳё Ғуломов шу комитетга илмий ходим, сўнг илмий котиб сифатида ишга олинади. Бу қўмита меъморий ёдгорликларни сақлаш билан бир қаторда, археологик ёдгорликларни ҳам ўрганишга катта этибор беради, минтақавий археологик экспедициялар уюштиради.

Изланувчан олим 1933 йилда Термиз, 1934 йилда Зарафшон экспедицияларида қатнашади. Айниқса, А.Якубовский раҳбарлигидаги Зарафшон экспедицияси ишларида фаол иштирок этиб, Қизилтепа, Шаҳри Вайрон, Абумуслимтепа, Хазора, Добусия каби қадимги шаҳар харобаларини ва Бухоро воҳасини ўраб олган Кампир девор қолдиқларини ўрганишда салмоқли археологик тажриба орттиради.

Яҳё Ғуломов мустақил археологик тадқиқотларини илк бор 1936 йилда Хоразмда ҳаваскор археолог дўсти Турди Мирғиёсов билан биргаликда бошлайди. “Ўша 1936 йилнинг ёз кунларидан бирида Амударё қирғоқларида қадимги қалъаларни текшириб, қайиқда сузиб бораётган эдим, афғон шамоли туфайли дарё суви кўтарилиб, кучли тўлқин пайдо бўлди, — деб ҳикоя қилган эди устоз. — Дарёда сузиб бораётган қайиқ гоҳ кўтарилиб, гоҳ тўлқин тепасига миниб олар, сўнг тоғдан думалатилган харсанг тошдек пастга мункиб кетар, баъзан тўлқин зарбидан қайиқ гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга ёнбошлаб қолар, яна тўлқинга урилиб тикланарди... Тўлқин икки ёш қайиқчи йигитни ағдариб, ўзи билан олиб кетди. Ҳайқириб оқаётган сув қайиқни тошли тик қирғоққа шиддат билан олиб бориб, қояга ўтказиб қўйди. Қирғоқдан қўзғалиш учун қўлимизда на эшкак, на таёқ бор эди. Фалокатни кўриб, ўзини йуқотиб қўйган кекса дарға қайиқ ўртасида тиз чўккан ҳолда икки қўлини юқорига кўтариб, дарёда ғарқ бўлиб кетаётган қайиқчилардан кўзини узолмай, жон ҳолатда “Хубби, хубби, ё хубби! Ўзинг мадад бер!” — деб такрорларди. Кекса қайиқчининг баланд овозда дарёни тинчланишга ундаши ва ҳалокатдан қутқаришни сўраган ёлвориш нидоси мендаги қўрқинчни йўқотган эди. Мен дарғага боқиб ва унинг оғзидан чиқаётган “хубби” сўзини эшитиб ҳайратда эдим. Чунки бу сўз ислом динигача қадимги Турон ва Эронда кенг тарқалган зардуштийлик динининг сув худоси “Хубби” ва унга илтижо қилиб, ундан мадад сўрашнинг ўзгинаси, фан учун қимматли этнографик маълумот эди”.

Бошга хавф-хатар тушган дамларда ҳам фан тўғрисида ўйлашни, аввало, фидойилик, қолаверса, жасорат деб баҳолаш мумкин. Яҳё Ғуломов илк бор мустақил равишда қадимги Хоразм воҳасининг Пилқалъа, Норинжон, Гулдурсин каби ёдгорликларини ўрганар экан, уларни бунёд этган аждодлар хўжалиги асосида суғорма деҳқончилик маданияти ётганини, шунингдек, қадимги Хоразм тарихини ўрганишда унинг хўжалик асоси бўлган суғориш





тарихи, келиб чиқиш илдизлари ва ривожланиш босқичларини ўрганиш тарих ва археологиянинг долзарб муаммоси эканини тушуниб етади.

Экспедициянинг дастлабки илмий натижалари фидойи олимнинг ижодий ҳаётида кескин бурилиш ясайди. У археолог бўлиш осон кечмаслигини, аммо бу фан билан чиндан шуғулланмоқчи бўлганлар изланишлар жараёнида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлади.

1937 йил кузида СССР Фанлар академияси қошида С.Толстов ташаббуси ва раҳбарлигида Хоразм археологик экспедицияси ташкил этилади. Бу экспедицияга Ўзбекистон Фанлар комитетидан Яҳё Ғуломов жалб қилинди. Экспедиция ўз ишини VII-VIII асрларга тегишли Тешикқалъада бошлади.

У Тешикқалъа қазишмаларида фаол иштирок этиш билан бирга, қалъа атрофида олиб борилган қидирув ишларида ҳам қатнашишга улгурарди. Қадимги кўл ва сой ёқаларидаги қумлар устида сочилиб ётган тош, жез, мис ва темир қуролларни кўрганда, қадимги Хоразмнинг ўтмиши турли давр моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойлигини англаб, бу ўлка тарихи билан шуғулланишга қаттиқ бел боғлайди. Дўсти С.Толстов билан маслаҳатлашиб, келажакдаги илмий тадқиқот йўналишини белгилайди. Бу Хоразмнинг суғорилиш тарихи эди.

Яҳё Ғуломов “Узкомстарис” ходими сифатида ишлаб юрган кезларда Хива шаҳри меъморчилик санъати бўйича 60 дан ортиқ обида номлари, уларнинг қурилган йиллари, ҳар биридаги ҳужралар сони ва вазифаси, уларга ажратилган вақф ерларининг миқдоригача ёзма манбалар асосида аниқлик киритиб, кенг илмий тадқиқот олиб борган. Ана шу изланишларнинг натижаси сифатида 1941 йилда олимнинг “Хива шаҳри обидалари” номли илмий асари чоп этилади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентга эвакуация қилинган бир гуруҳ олимлар орасида ўша давр ижтимоий-гуманитар фанлари дарғалари Б.Греков, В.Струве, А.Якубовский, К.Тревер, С.Толстов каби олимлар яшаш ва илмий ижод билан шуғулланиш учун Тошкентга келган. Ўша кезлардаёқ ўзбек археологи сифатида эътиборга тушган Яҳё Ғуломов Усмон ота Юсуповнинг махсус топшириғига кўра, улар билан илмий ва ташкилий масалаларда боғланган эди. Устознинг “Хива шаҳри обидалари” номли илмий асари билан таниш бўлган марказ олимлари ушбу асарни номзодлик диссертацияси сифатида ҳимояга тавсия этиш мумкинлигини маслаҳат беради. Ниҳоят, биринчи ўзбек археологи сифатида 1943 йилда Яҳё Ғуломов “Хива ва унинг обидалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Устознинг тарих фанлари номзоди илмий даражаси соҳиби бўлиши уни фанда янада катта изланишлар олиб боришга ундайди. Энди устознинг бутун фикри-ёди Хоразмнинг суғорилиш тарихи устида изланишлар олиб боришга қаратилган эди.

1943 йил ноябрь ойида Тошкентда Республика Фанлар академияси ташкил этилади. Олимлар олдига Ўзбекистонда ҳам ҳар соҳада фундаментал фан билан шуғулланиш масаласи қўйилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида академиклардан Б.Греков ва В.Струве кўп жилдли “Ўзбекистон халқлари тарихи”ни яратиш ташаббускорлари бўлиб чиқади. Бу ишга марказдан келган йирик олимлар билан бирга, маҳаллий тарихчилардан А.Семёнов, Яҳё Ғуломов, В.Шишкин, Р.Набиевлар жалб этилади. Ишни яратиш билан боғлиқ илмий-ташкилий ишлар ёш археолог олим Яҳё Ғуломовга топширилади. Кўп жилдли “Ўзбекистон халқлари тарихи” якунига етмай, уруш тугаб, асар муаллифларининг асосини ташкил этган марказ олимлари келган жойларига қайтади. Республика ҳукумати Яҳё Ғуломов зиммасига ушбу ишни якунлашни юклайди. Масаланинг туб моҳиятини тўғри тушунган марказ олимлари уни СССР ФА Моддий маданият (археология) институтининг докторанти этиб расман ҳужжатлаштиради. Олим ушбу икки томлик асар якун топиб, чоп этилмагунча Тошкент — Москва — Ленинград (Санкт-Петербург) оралиғида қатнаб, муаллифлар билан бевосита доимий алоқада бўлади, асарнинг тайёр бўлган ҳар бир боби муҳокамасида фаол иштирок этади. Мана шу йўсинда Ўзбекистон тарихининг икки жилдлик дастлабки нашри 1950 йилда дунёга келди. Устознинг таъкидлашича, “Ўзбекистон халқлари тарихи”нинг яратилиш жараёни, айниқса, бир неча соатлаб давом этадиган йирик олимлар даврасидаги баҳслар Яҳё Ғуломов учун катта мактаб бўлган.

Шу давр ичида устоз яна бир улкан ишни якунлади. Урушдан кейинги даврда ҳар йили олти ойлаб қадимги Хоразмда дала илмий изланишларини олиб борди. Хоразмнинг суғорилиш тарихига оид археологик, этнографик, фольклор, этногеографик, этнотопоним ва гидротопоним материалларини тўплаб, уларни илмий таҳлилдан ўтказди, давлат архивларида мавзуга доир ҳужжатларни ўрганди. Марказий кутубхоналарда илмий адабиётлар устида ишлаб, тўплаган барча материалларини тизимга солди. 1949 йилда “Хоразмнинг қадимги замонлардан ҳозирги кунларгача суғорилиш тарихи” мавзусида докторлик диссертациясини якунлади ва уни 1950 йили ҳимоя қилиб, Тошкентга қайтади.

Докторлик диссертацияси китоб ҳолига келтирилиб, 1957 ва 1959-йилларда рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Ушбу тадқиқот фундаментал асосга эга бўлиб, ўзбек тарихшунослигида янги илмий йўналиш ва мактаб яратган, энциклопедик маълумотларни мужассамлаштирган асар ҳисобланади. Олимнинг бу фундаментал монографияси нафақат қадимги Хоразмнинг суғориш тарихи ва ривожланиш динамикасини очиб берди, шу билан бирга, унинг ирригация техникасини ўрганиб, мураккаб экологик муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиб берди.

Яҳё Ғуломов қадимги Хоразм суғориш тарихини якунлагач, энди эътиборни Зарафшон водийси қадимиятини ўрганишга қаратди. Водийнинг суғориш тарихини тўнғич шогирди А.Муҳаммаджоновга докторлик мавзуси қилиб берди. Палеолит даври ёдгорликларини номзодлик диссертация мавзуси этиб М.Қосимовга, Тошкент воҳасининг мустье даври Обиҳаёт ёдгорлигини Р.Сулаймоновга, Қуйи Зарафшон неолит даври ёдгорликларини Ў.Исломовга, бронза даври ёдгорликларини А.Асқаровга, неолит даври шахталарини Т.Мирсоатовга, Бухоро оазисларини ўраб олган “Кампир девор” деб аталувчи воҳа мудофаа деворини мавзу қилиб Х.Муҳаммедовга юклади, ўзи эса аҳил шогирдлар жамоасига бош-қош бўлди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб устоз шогирдлари нафақат Бухоро воҳасида, балки бутун республика бўйлаб ҳар хил давр археологияси ва ирригация тарихини ўрганишни деярли ўз қўлларига олди. Фарғона водийси археология ва суғориш тарихини И.Аҳроров, С.Жалилов ва А.Абдулҳамидовга, Тошкент воҳаси суғориш тарихини Ғ.Дадабоевга мавзу қилиб берди. Хуллас, Яҳё Ғуломов раҳбарлигида фидойи археологлар ва суғорма деҳқончилик маданияти мутахассисларининг илмий мактаби яратилди. Улар сафидан 60 дан ортиқ фан номзоди, ўнлаб фан доктори, 4 нафар академик етишиб чиқди.

Устоз ижодида археологик материаллар таҳлилидан тўғри тарихий хулоса чиқариш қобилияти жуда кучли эди. Масалан, агар С.Толстов ижодида Ўрта Осиё қадимги давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш қонуниятини, асосан, қадимги шаҳарлар, оазислар мисолида ўрганишга эътибор қаратилган бўлса, Яҳё Ғуломов ижодиятида уни қадимги Шарқ цивилизацияларига хос ривожланиш йўналишлари ҳисобланган суғорма деҳқончилик маданиятлари билан боғлаб ўрганиш кучли эди.

1958 йилда Самарқанд Афросиёбида монументал деворий рангли суратлар топилиши муносабати билан В.Шишкин раҳбарлигида Афросиёбни ўрганиш масаласи Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кун тартибига қўйилиб, кенг кўламли археологик изланишлар бошланиб кетди. Археологлар орасида Самарқанднинг ёши масаласида илмий баҳслар авж олади. Бир гуруҳ археологлар (С.Кабанов, М.Филанович, Г.Шишкина ва бошқалар) Самарқандни эллинлар таъсирида Мароканда деб атаб, унинг энг қадимги маданий қатламлари милоддан аввалги VI-IV асрларга тегишли эканини таъкидлаган бўлса, Афросиёбда ишловчи иккинчи гуруҳ археологлар (М.Пачос, О.Обелченко ва бошқалар) антик даврда Афросиёб кичик бир қишлоқ бўлгани, унинг атрофидаги мудофаа деворлари илк ўрта асрларга тегишли эканини исботлашга уринади. В.Шишкиннинг бевақт ўлими бу баҳсларга чек қўя олмади. Унинг вафотидан сўнг Афросиёбга илмий раҳбарлик Яҳё Ғуломов қўлига ўтди.

Мазкур тарихий муаммолар, ангашилмовчиликларга ойдинлик киритишда академикнинг илмий салоҳияти катта роль ўйнади. Кенг кўламли археологик қазишмалар, қадимги Суғд ҳужжатлари ва Афросиёб мудофаа деворларининг объектив ўрганилиши изга солинди. Самарқанд қадимги суғд ҳужжатларига кўра, Мароканда эмас, балки Smarakansa деб номлангани, унинг ёши 2500 йилдан кам эмаслиги ҳақидаги материаллар билан 1969 йилда олим Ленинградга Бутуниттифоқ археологлар ва этнографлар сессиясининг якуний пленар мажлисида маъруза қилди. Доклад мутахассислар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Якунловчи пленар мажлисга раислик қилувчи академик Б.Пиотровский илмий асосли маърузаси учун Яҳё Ғуломовни табриклади. Менинг ўзим ўша сессия қатнашчиси сифатида бу ҳаяжонли онларнинг жонли гувоҳи бўлганим билан фахрланаман.

Кўплаб илмий анжуманларда фаннинг турли соҳалари бўйича қилган чиқишлари асосида, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, устоз фанда кўп қиррали, фундаментал қомусий олим бўлган.

Устоз ишга келганларида бир дақиқа бўш вақти бўлмас, доимо кимдир ўз илмий муаммоси билан унинг қабулида бўларди. Айни пайтда биз, шогирдлари учун устоз хонадони доимо очиқ эди. Кўп ҳолларда олим кимнингдир номзодлик ёки докторлик диссертациясини ўқиш билан бандлиги ёки кимдир илмий асарига тақриз сўраб келиб турганининг гувоҳи бўлардик.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу мақола Ўзбекистон археологиясининг биринчи сардори, забардаст, бағрикенг зукко олим, академик Яҳё Ғуломовнинг серқирра фалиятига бир чизги, холос. Буюк олимнинг илмий фаолияти, миллий археология соҳасида яратган мактаби, фандаги кўп қиррали ижоди тарихчиларнинг келажак авлоди учун ибрат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.



**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1146.
43313 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 22:30 Топширилди — 01:55